

8. Abduxakimov Z.T. Mintaqada rekreatsiyadan foydalanishning tashkiliy-iqtisodiy asoslarini takomilashtirish (Namangan viloyati misoldi). Iqtisodiyot fanlari bo'yichafalsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. -SamISI, 2019 y. -12 b.
9. Mirzayev A.T. "Turizm rekreatsiyasi xizmatlari bozorida raqamlashtirishning yalpi talab o'zgarishiga ta'siri tahlili" "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2021-yil.
10. Alimova G.A. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda rekreatsion-turistik salohiyatdan samarali foydalanish (Toshkent viloyati misoldi) Iqtisodiyot fanlari bo'yichafalsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. -SamISI, 2019-y.
11. B.Ruzmetov, Sh.Bahtiyorov "Mintaqada turistik-rekreatsion klasterlarni shakllantirish omillari", "Turistik klasterlarni rivojlantirishning dolzorb muammolari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallar to'plami. 5-iyun 2021-yil Samarqand.
12. Baxtiyorov Shohzod Sherzodbek o'g'li "Mintaqada turistik-rekreatsion klasterlarni shakllantirish yo'nalishlari" ixtisoslik: turizm mutaxassisligi magistr akademik darajasini olish uchun dissertatsiya ishi, Urganch – 2020 yil.
13. [https://www.cdc.gov/coronavirus/2019-ncov/hcp/clinical-care/post-covid-conditions.html?CDC\\_AA\\_refVal=https%3A%2F%2Fwww.cdc.gov%2Fcoronavirus%2F2019-ncov%2Fhcp%2Fclinical-care%2Flate-sequelae.html](https://www.cdc.gov/coronavirus/2019-ncov/hcp/clinical-care/post-covid-conditions.html?CDC_AA_refVal=https%3A%2F%2Fwww.cdc.gov%2Fcoronavirus%2F2019-ncov%2Fhcp%2Fclinical-care%2Flate-sequelae.html)
14. Ibadullayev E.B. "Xorazm viloyatida turistik-rekreatsion xizmatlarni rivojlantirish istiqbollari" "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 yil
15. Saidmamatov, O., Matyakubov, U., Khodjaniyazov, E., Day, J., Ibadullaev, E., Chuponov, S., Bekjanov, D., Matniyozov, M., Matyusupov, B. (2021). TOWS analysis for sustainable ecotourism development and state support during the pandemic: The Aral Sea region of Uzbekistan. Turizm/Tourism, 31 (1), 47–56. <https://doi.org/10.18778/0867-5856.31.1.16>
16. Xorazm viloyati statistika qo'mitasi ma'lumotlari, 2020 yil.

## ТУРИСТИК КЛАСТЕР: ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА БУХОРО ВИЛОЯТИДА ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ КЛАСТЕРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Нарзиев Мирфайз Махмуджонович –  
БухДУ докторант**

**Аннотация:** Мақолада жаҳондаги машҳур гастрономик турристик кластерларнинг ташкил топиши, шаклланиши ва ривожланиши ўйлари таҳлил қилинган бўлиб, уларнинг тажрибасига асосланаб, Бухоро вилоятида ҳам гастрономик туризм кластерларини ўйла қўйиш истиқболлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** турристик кластер, гастрономик туризм, турристик хизматлар, гастротур, кулинария, гастрономик бренд, миллий таомлар фестивали

## ТУРИСТИЧЕСКИЙ КЛАСТЕР: МИРОВОЙ ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ГАСТРОНОМИЧЕСКОГО ТУРИСТИЧЕСКОГО КЛАСТЕРА В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

**Нарзиев Мирфайз Махмуджонович –  
докторант БухГУ**

**Аннотация:** В статье проанализированы пути формирования, становления и развития всемирно известных кластеров гастрономического туризма и на основе их опыта описаны перспективы создания кластеров гастрономического туризма в Бухарской области.

**Ключевые слова:** туристический кластер, гастрономический туризм, туристические услуги, гастротур, кулинария, гастрономический бренд, фестиваль национальной кухни.

## TOURISM CLUSTER: WORLD EXPERIENCE AND PROSPECTS FOR FORMING A GASTRONOMIC TOURIST CLUSTER IN THE BUKHARA REGION

**Narziev Mirfayz Makhammadjonovich –  
PhD student in Bukhara State University**

**Abstract:** The article analyzes the ways of formation and development of world famous clusters of gastronomic tourism and, on the basis of their experience, describes the prospects for creating clusters of gastronomic tourism in the Bukhara region.

**Keywords:** tourism cluster, gastronomic tourism, travel services, gastronomic tour, culinary, gastronomic brand, national cuisine festival.

**Кириш.** Кластер тизими назарий асосларининг ҳар томонлама чуқур ўрганилиши ва фанга киритилиши, 1890 йилда Кембриж мактабининг асосчиси А.Маршаллнинг "Иқтисодий фан асослари" китоби [1] нашр қилиниши билан бошланди. У ўз асарида кластер тушунчасини, "индустрисал районлар"нинг пайдо бўлиши ва агломерация жараёнида маълум бир географик худудда корхона-ташкилотлар ва ишчи кучи-

нинг бирлашуви сифатида таъкидлаган. Шу билан бирга, худуддаги бир-бирига яқин жойлашган ташкилотларнинг ҳамкорлиги натижасида З хил самараадорликка эришиши мумкинлигини айтиб, булар: "билим-тажриба" самараадорлиги; "ишли кучи харажатларининг пасайиши" самараадорлиги ва "харидор-сотувчи" самараадорлигиdir.

Кейинчалик 1990-йилларнинг бошларига келиб, АҚШнинг Гарвард университети иқтисодчи профессори, М.Портер ўзининг “Халқаро рақобат: мамлакатларнинг рақобатдош устунликлари” китобида кластерни: “маълум бир соҳада умумий фаолият кўрсатадиган ва бир-бирини тўлдирадиган, географик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган компаниялар ва тегишли ташкилотлар гуруҳидир. Кластернинг географик даражаси, бир шаҳардан бир мамлакатга ёки ҳатто бир қатор қўшни давлатларга қараб кенгайиши мумкин. Кластерни бир-бири билан боғланган фирмалар ва ташкилотлар тизими сифатида қарап мумкин бўлиб, улар биргаликда қўшилган қиймат занжирини (value system – қиймат тизими) шакллантиради”[2] деб таърифлаган.

Бизнинг фикримизча, *кластер* бу – маълум бир ҳудудда бир соҳага тегишли бўлган бир неча корхона-ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориши, инновациялар ва янги корхоналар (иш ўринлари) яратиши, мазкур ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ўз ҳиссасини қўшиб, ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш йўли билан унинг туристик имидж барқарорлигини таъминлайди.

Маълумки, давлатнинг рақобатбардошлиги уни ташкил қилувчи ҳудуд/вилоятларнинг рақобатбардошлигидан иборатdir. Ўз навбатида ҳудуд/вилоятларнинг рақобатбардошлиги эса, ундаги маҳаллий корхона/ташкилотларнинг рақобатбардошлигига боғлиқ бўлади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кластер асосида фаолият юритадиган корхона-ташкилотлар жойлашган ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши ва рақобатбардошлиги бошқа ҳудудларга қараганда анчагина юқоридир.

Шунинг учун ҳам М.Портер, кластерлар ҳудуд/вилоят рақобатбардошлигини оширишга З хил йўл билан таъсир кўрсатишини аниқлаб, булар [3]:

- фирмалар ва яхлит иқтисодиёт тармоғининг унумдорлигини оширади;
- инновация ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши учун имкониятлар яратади;
- янги бизнеснинг шаклланиши, кластернинг ривожланиши ва кенгайишини рағбат-

лантиради ва осонлаштиради деб хулоса қилган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Туристик кластерларни ўрганиш, уларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш ва кластер ёндашуви асосида давлатларда туризмни ривожлантириш бўйича хорижий ва республикамиз олимлари илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Уларга, Кизим А.А., Вальвашов А.Н., Кулькова И.В. [4], Capone F. [5], Novell M., Schmitz B., Spenser T. [6], Бойко А.Е. [7], Ferreira J., Estervo C.[8], Лысикова О.В., Лукьяненко Е.В.[9], Смирнова Ю.В.[10], И.С. Тухлиев, А.А. Аблокулов[11], Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. [12], Асланова Д.Х., Саттарова З.И.[13] киради. Ушбу олимлар туристик кластерларни умумий ўрганиб, ҳар бир ҳудуднинг туристик салоҳиятидан келиб чиқиб, у ерда қандай туристик кластерларни ташкил қилиш мисоллар билан кўрсатилмаган. Бу эса гастрономик туристик кластерларни ташкил қилиш бўйича тадқиқот ишининг долзарблигини асослайди.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция, статистик анализ, эконометрик моделлаш, аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилган бўлиб, назарий ва методологик асоси туризм соҳасини ривожлантиришга оид республикада ишлаб чиқилган туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси, Президент ва Вазирлар маҳкамасининг фармон, қонун ва қарорлари ҳамда тадқиқот мавзусига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар бўлиб ҳисобланади.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, туристик кластерлар маълум бир ҳудудда тарихий ривожланиш натижасида табиий йўл билан ёки мақсадли тарзда, бундай кластерни яратиш ҳаракатлари натижасида шаклланиши мумкин. Хусусан, бу хусусият асосида туристик кластерларнинг дирижист ва либерал моделлари фарқланади. Дирижист моделида туристик кластерларни шакллантириш бўйича фаол давлат сиёсати амалга оширилади. Либерал моделда бўлса, туристик кластерларни шакллантириш жараёни эркин бозор механизмлари орқали ривожланиб, давлатнинг вазифаси, кластернинг табиий ривожланиши учун тўсиқларни олиб ташлашдан иборатdir [14].

## 1-жадвал

### Хориждаги туристик кластер моделларининг турлари

Туристик кластер моделининг номи	Кўллаган давлатлар
Дирижист	Германия, Франция, Финландия, Хитой, Япония, Австрия ва Хиндистон
Либерал	АҚШ, Италия, Англия ва Канада

**Манба:** Хорижий давлатларнинг туристик кластерларининг веб-сайт маълумотлари асосида тайёрланди.

Ушбу туристик кластер моделлари асосида шакллантирилган жаҳондаги машҳур тури-

тик кластерларни кўриб чиқадиган бўлсак, биринчидан, Хорватиядаги даволаниш туристик

кластериидир (**Kvarner Health Tourism Cluster, Croatia**). Ушбу кластер Хорватия давлатининг Кварнер вилоятида жойлашган бўлиб, ўрта ер денгизига туташгандир. Кварнет вилояти ўзининг сўлим гўшалари, ороллари, ўрмон ва тог худудлари билан сайёхларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Ушбу вилоятда даволаниш туризми 1878 йилдан бошланган бўлиб, ҳозирги кунда кластер таркиби жами 32 та ташкилотлар, бундан 10 та йирик, 21 та кичик ва ўрта ҳамда 1 та университет тадқиқот маркази киради. Бу ташкилотлар медицина, туризм, олий таълим ва бошқа хизмат кўрсатувчи соҳаларга тегишлидир. Бу кластер олдин тиббиёт соҳаси вакиллари томонидан ташкил этилиб, кейинчалик давлатнинг кўмагида ривожлантирилган.

Иккинчидан, Индонезиянинг Бали ороларида (**Bali Tourism Cluster, Indonesia**) шакллантирилган кластер бўлиб, 2002 йилнинг март ойида туризм соҳасидаги тадбиркорлар, давлат ва маҳаллий ҳамжамият томонидан ташкил этилган. Ушбу кластер маданий туризмга асосланган бўлиб, ҳозирда йирик 10 та ташкилотларни ўз ичига олгандир. Уларга, туристик ташкилотлар (мехмонхоналар, туроператорлар, ресторанлар, автомобил ва сув транспорти), кўнгилочар парклар, туризм бош бошқармаси, гидлар уюшмаси ва таълим муассасалари киради.

Учинчидан, Франциянинг гастрономик кластери (**French Gastronomic Tourism Cluster, France**) бўлиб, турли вилоятларнинг миллий овқатлари, у ерларда ишлаб чиқариладиган аль-когол ичимликлар, пишлок, шоколад ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан танишиш имкониятини беради. Бу кластер 1990 йилларда асосан фермер хўжаликлари, ресторанлар ва меҳмонхоналар эгалари томонидан ташкил этилган бўлиб, ҳозирда 30 та туристик ташкилотларни, транспорт компаниялари, туроператорлар, гидлар, олий таълим муассасалари ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотларини қамраб олади.

Тўртинчидан, АҚШнинг Калифорния штатидаги Напа водийсида жойлашган узумчилик ва вино кластериидир (**The California Wine Cluster, USA**). Ушбу кластернинг шаклланиши 1800 йилдан бошланиб, ўша водийда юқори сифатли винолар ишлаб чиқариш учун етиштириладиган узумлар билан боғлиқдир. Узумлар олдин христианларнинг диний маросими учун вино ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, кейинчалик президент Абраҳам Линкольн томонидан Калифорния винолари катта ҳажмда харид қилиниб, бу ўз навбатида соҳанинг ривожланишига сабаб бўлган. Вино етиштирувчилар орасидаги тажриба алмашув, ҳамкорликдаги маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, узумзорлар ва вино ишлаб чиқариладиган жойларни сайёхлар учун очиш натижасида 1970-1980 йилларда давлат-хусусий шерикчилик асосидаги

туристик кластери шаклланди. Ҳозирги кунда ушбу кластерга 40 та туристик ташкилотлар аъзо бўлиб, ушбу худуд АҚШнинг туристик худудлари орасида юқори рақобатбардош ҳисобланади.

Бешинчидан, Австралиянинг Шимолий Квинсленд штатидаги экотуризм (**Tropical North Queensland Tourism Cluster, Australia**) ҳисобланиб, унинг шаклланиши 1978 йилдан бошланган. Бу кластер ҳам давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил топиб, 25 та маҳаллий ҳокимият органлари ва 4 та маҳаллий туристик ташкилотлардан иборатдир. Сайёхлар у ерда тропик ўрмонларга сайд қилишлари, велотур, югуриш марафонларида иштирок этишлари, қадимий маданият билан танишиш ҳамда денгиз бўйида дам олишлари мумкин. 2018 йил якунлари бўйича, ушбу экотуристик масканга 2,9 миллион сайёх ташриф буюриб (2,1 миллион маҳаллий ва 863,000 хорижий), жами \$3,5 миллиард доллар харажат қилган.

Олтинчидан, Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳрида ташкил этилган туристик кластер бўлиб (**Cape Town Tourism Cluster, South Africa**), у ҳам давлат-хусусий шерикчилигида шакллантирилган. Давлатдаги сиёсий вазият 1994 йилда барқарорлашгандан кейин, 1993-1998 йиллар мобайнида халқаро туристик оқим 3,1 миллиондан 5,9 миллионга ошиди. Лекин 1990 йиллар охирига келиб, бозор конъюктураси ўзгариб, туристик оқим камайди ва туризм соҳаси учун қийин даврлар бошланди. Бунинг олдини олиш ва халқаро туристик бозорда рақобатбардош бўлиш учун, хусусий бизнес ва давлат ўзаро шерикчилиқда туристик кластерларни шакллантириш ташаббусини илгари суришди. Битта давлат даражасидаги, 2 та тематик ва 4 та маҳаллий даражадаги туристик кластерларни шакллантиришга келишиб олинди. Ушбу туристик кластерларни ташкил қилиш учун хориж тажрибасини қўллаш мақсадида халқаро консорциум ташкил қилиниб, унинг таркиби Жанубий Африка, Янги Зеландия ва Америкадан бир неча консалтинг компаниялари бирлашди. Натижада 35 та йирик туристик ташкилотларни ўзида жамлаган кластер шаклланиб, 2016 йилда 28 миллион сайёхни жалб қилди ва 8000 кишини иш билан таъминлаб, Кейптаун шаҳрини бутун дунёга машхур қилди.

Еттинчидан, Финландиянинг Рованиеми шаҳридаги Санта Клаус расмий қароргоҳи (**Santa Claus Village in Rovaniemi, Finland**) туристик кластериидир. Ушбу кластернинг шаклланиш тарихига кўра, 1950 йили АҚШнинг 26-президенти Теодор Рузвельтнинг хотини Элеонора Рузвельт Финландиянинг Рованиеми шаҳридаги 2-жаҳон урушидан кейинги шаҳарнинг таъмирлаш ишлари билан танишиш мақсадида Рованиеми шаҳрига ташриф буюради. Юқори

мартабали меҳмонни муносиб кутиб олиш мақсадида, қутбли айланана жойида битта ёғочли уй қуриб, ўша ерда кутиб олиш маросимларини ўтказадилар. Бу маросимда маҳаллий аҳоли ва хорижий меҳмонлар қатнашиб, кейинчалик бу жойга туристлар оқими кўпаяди. Давлат хусусий тадбиркорлар ва хорижий инвесторларни жалб қилиб, бу жойдаги қурилган биринчи уйни

Санта Клауснинг (қорбобо) уйи деб реклама қиласди. Натижада бу уйнинг атрофида қўшимча туристик хизматларни таклиф этувчи туристик ташкилотлар пайдо бўлиб, ҳозирги кунда бу жой/қишлоқ машҳур туристик марказга айлангандир. Бу ерда 15 хил хизматларни таклиф этувчи 40 та туристик ташкилотлар фаолият олиб бормоқда.

## 2-жадвал

## Жаҳондаги машҳур туристик кластерлар ҳақида маълумот

№	Туристик кластер номи	Туристик кластер логоси	Туристик кластер паспорти
1.	Хорватиядаги Даволаниш туристик кластери		Ташкил этилган йили: 1878 йил Жами ташкилотлар сони: 32 та Таклиф қилувчи хизматлари: даволаниш туризми
2.	Индонезиянинг Бали ороллари		Ташкил этилган йили: 2002 йил Жами ташкилотлар сони: 10 та Таклиф қилувчи хизматлари: маданий туризм
3.	Франциянинг Гастрономик кластери		Ташкил этилган йили: 1990 йил Жами ташкилотлар сони: 30 та Таклиф қилувчи хизматлари: гастрономик туризм
4.	АҚШдаги Узумчилик ва вино кластери		Ташкил этилган йили: 1970-1980 йиллар Жами ташкилотлар сони: 40 та Таклиф қилувчи хизматлари: гастрономик ва дам олиш туризми
5.	Австралиядаги Экотуризм кластери		Ташкил этилган йили: 1978 йил Жами ташкилотлар сони: 29 та Таклиф қилувчи хизматлари: экотуризм
6.	Жанубий Африкадаги Кейптаун туристик кластери		Ташкил этилган йили: 2000 йил Жами ташкилотлар сони: 35 та Таклиф қилувчи хизматлари: денгиз ва топ туризми, ҳайвонот оламига сафари
7.	Финландиядаги Санта Клаус расмий қароргоҳидаги туристик кластер		Ташкил этилган йили: 1950 йил Жами ташкилотлар сони: 40 та Таклиф қилувчи хизматлари: Санта Клаус уйига ташриф, қутбли айланани кўриш, ўрмонларга саёҳат

**Манба:** Туристик кластерларнинг расмий веб-сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқорида келтирилган 7 та машхур жаҳон туристик кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришда фойдаланилган ташкилий-иқтисодий механизмларнинг таҳлили шуни қўрсатадики, уларнинг 4 тасида давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари билан бирга хорижий инвесторларнинг фаолияти кенг қўлланилган.

Республикамизда ҳам туризмни кластер ёндашуви асосида ривожлантириб, худудлар-

нинг бой туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги турмаҳсулотларни яратиш ва сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси қабул қилингандир.

### 3-жадвал 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли қўрсаткичлари

№	Қўрсаткич номи	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
1.	Ўзбекистонга ташриф буорадиган хорижий туристлар сони (минг киши)	5346	6041	7010	8410	10010	10600	11250	11810
2.	Туризм хизматлари экспорти (млн АҚШ доллар)	1041	1180	1360	1620	1900	2000	2080	2170
3.	Ички туристлар сони (мингта ташриф)	15493	16100	17230	18806	20317	21867	23404	25010
4.	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона)	914	1100	1620	2200	2600	2800	2900	3050
5.	Жойлаштириш воситаларидағи хоналар сони (минг)	20,2	24	35	47	55	59	62	64
6.	Жойлаштириш воситаларидағи ўринлар сони (минг)	41	49	72	95	110	122	124	128
7.	Туроператорлар сони (нафар)	983	1100	1190	1250	1320	1390	1420	1450

**Манба:** Президент Ш. Мирзиёвнинг 5 январь, 2019 йил “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611 сонли Фармони 1-иловаси маълумотлари.

Ушбу концепцияга мувофиқ, Бухоро вилояти республикамизда туризм салоҳияти юқори бўлган худудлардан ҳисобланиб, сўнгти йилларда туризмни кенг ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, сайдарларнинг Бухоро миллий таомларига бўлган қизиқиши жуда юқори бўлиб, ушбу йўналишда гастрономик туристик кластерини ташкил қилиш бўйича ҳукumat, маҳаллий ҳокимият ва туристик ташкилотлар томонидан бир қатор ташабbusлар илгари сурилган. Шулардан бири, Бухоро шаҳар И.Каримов кўчасида “Гастрономик кўча”сини ташкил этиш лойиҳасидир (1-расм). Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3 млрд. сўм бўлиб, 30 та савдо ва умумий овқатланиш шахобчалари, Foodcar майдони, спиртли ичимликлар дегустацияси ва савдоси, шахмат бурчаги, рассомлар майдони, кўнгилочар тадбирлар ва бошқа қўшимча хизматларнинг яратилиги режалаштирилган. Бу лойиҳадан кутиладиган натижа, сайдарларнинг Бухорода қолиши муддатини ўртacha 2,5-3 кунгача узайтириш, 300 та янги иш ўринларини яратиш ва кунлик ташриф буорувчилар сонини 5000-10000 гача оширишdir.

Бундай гастрономик кўчалар Франция, Италия, Испания, Япония, Хитой ва Россия шаҳарларида кўп ташкил этилган бўлиб, миллий таомлар орқали давлатни машхур қилишда жуда самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда.

**Хулоса.** 2017 йил Тур Стат таҳлилий агентлигининг маълумотига кўра, Ўзбекистон

МДҲ мамлакатлари бўйлаб энг оммабоп гастрономик туризм мамлакатлари рейтингига Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Қозогистон билан бир қаторда россиялик сайёҳлар учун энг оммабоп гастрономик туристик йўналиши бешлигига кирди. Шу билан бирга, 2018 йил “National Geographic Russia” журнали Ўзбекистонни дунёда гастрономик туризм учун энг машхур йўналиш деб тан олди.

2019 йил Августда Ўзбекистон Гастроно-мик туризм ассоциацияси ташкил этилиб, унда кўргазма, фестиваль, форум, семинар, илмий анжуман, давра сухбати, танлов ва шу каби бошқа тадбирларни ўtkазиб билан шуғулланади. Бундан ташқари, республикамизда туристик мавсумни узайтириш мақсадида ҳар йилнинг ноябрь ойида мунтазам равишида “Лаззатли Ўзбекистон” халқаро миллий таомлар фести-валига мезбонлик қилиб, уни жаҳонга танитиб, вилоятларда гастрономик турларни ташкил этади.

Соҳадаги ушбу янгиликлар ва имкониятлар, Бухоро вилоятида Гастрономик туризм кластерини шакллантиришга қулай шароит яратиб, бунда қуйидагиларни инобатга олиш таклиф қилинади:

1. **“Yummy Bukhara Cuisine”** (Бухоронинг лаззатли таомлари) бренди асосида ҳамда Бухорода ташкил этиладиган “Гастрономик кўча” негизида Бухоро Гастрономик туризм кластери ни ташкил этиш;



## Бухоро шаҳар И.Каримов кўчасида “Гастрономик кўча” сини ташкил этиш лойиҳаси



### Ташкил этиладиган тадбирлар

- Кўнтилочар тадбирлар
- Миллӣ таомлар нукталари
- Тез овқатнани шахобчалари
- Foodcar майдони
- Турли миллатлар ошхоналари
- Ширнилликлар марказлари
- Яхна ичимликлар ва музаймоклар нукталари
- Рив
- Вихого спиртли ичимликлари дегустацияси ва савдоси (Shoxrud)
- Эко хожатхоналар
- Шахмат бурчаги
- Рассомлар майдони
- Ҳаваскор санъаткорлар чиқишлиари
- Автотураргоҳ

### Кутиладиган натижা

	Лойиҳанинг умумий киймати 3 млрд. сўм		Сайёхларнинг Бухорода колиши муддати 2,5-3 кун (ўртача)
	Савдо ва умумий овқатнани нукталари 30 та		Ташриф буюрувчилар сони 5000 - 10000 (кунлик)
	Яратиладиган янги иш ўринлари 300 та		Амалга ошириш муддати 2021 йил декабр

### 1-расм. Бухоро шаҳрида ташкил этиладиган “Гастрономик кўча” лойиҳаси

**Манба:** Бухоро вилояти Туризмни ривожлантириши департаменти маълумоти.

1. Бухоро миллий таомларининг тайёрлашиш сирларини сайёҳларга намойиш қилиб келаётган машҳур Doston House Bukhara билан ҳамкорликда, Бухороча Софи Ош, чучвара, ғиждувонча шашлик, олот ва қоракўл сомсаси, нишалло ва сумалак, ҳалим, тандир гўшт ва бошқа овқат-ширинликларни пишириш бўйича маҳорат дарсларини ташкил этиш;

2. Ромитан, жондор, ғиждувон ва маданият туманларида етишириладиган анор, узум, анжир ва олма боғларига саёҳатлар ташкил қилиб, у ердаги “туристик маҳалла” ва “туристик қишлоқ”лар фаолияти билан яқиндан таништириш; Бухоро гастрономик харитасини тузиш;

3. Бухоро Гастрономик туризм кластери учун малакали кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида, Бухоро туризмни ривожлантириш департаменти, Бухоро давлат университети ва Бухоро туризм техникуми билан ҳамкорликда амалиётдан келиб чиққан ҳолда, янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

4. Ҳар йили ўтказиб келинадиган “Бухоро Ипак ва зираворлар” ва “Шарқ таомлари” фестиваллари ҳамда “Наврӯз” байрамларида гастрономик сайёҳлар учун Бухоро миллий таомлари кўргазмасини тамойиш қилиш;

5. “Гастро маҳалла” лойиҳасининг вебсайти негизида <https://gastromahalla.uz/uz/> Бухоро Гастрономик туризм кластери ва унинг иштирокчилари ҳақида маълумотлар бериб бориш;

6. Бутунжаҳон сайёҳларига саёҳат йўналиши, меҳмонхоналар, ресторанлар, авиачипталар, машиналарни ижарага олиш ва бошқа туристик хизматларни маслаҳат берувчи халқаро сайёҳлик порталлари бўлган TripAdvisor <https://www.tripadvisor.ru/>, Booking.com <https://www.booking.com/index.ru.html>, Trivago <https://www.trivago.ru/>, Expedia <https://www.expedia.com/>, Airbnb <https://www.airbnb.ru/> га Бухоро Гастрономик туризм кластери ҳақида маълумот ва рекламаларни тарқатиб, сайёҳларни жалб қилиш.

Ўйлаймизки, Буюк Ипак Йўлида жойлашган Қадимий ва боқий Бухорода Гастрономик туризм кластерининг ташкил қилиниши, худуд

туристик рақобатбардошлигини ошириб, соҳани янада ривожлантириш бўйича жуда катта туртки бўлади.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. А. Маршалл. «Принципы экономической науки», 1890, Англия: <http://www.library.fa.ru/files/Marshall.pdf>
2. М. Портнер. «Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран», 2015, США: <https://www.litres.ru/maykl-porter/mezdunarodnaya-konkurenciya-konkurentnye-preimushchestva-stran/chitat-onlajn/>
3. Портнер М. Конкуренция. М.: Вильямс, 2018. 608 с.
4. Кизим А.А., Вальвашов А.Н., Кулькова И.В. Повышение инвестиционной привлекательности региона на основе развития туристического кластера // Региональная экономика: теория и практика. 2017. № 26 (161). С. 52-59.
5. Capone F. Regional competitiveness in tourist local systems, 44<sup>th</sup> European Congress of the European Regional Science Association (ERSA), Regions and fiscal federalism, University of Porto. Portugal. 2019.
6. Novell M., Schmitz B., Spenser T. Networks, Clusters and Innovation in Tourism: the UK Experience // Tourism Management. 2016. Vol. 27. P. 1141-1152.
7. Бойко А.Е. Формирование кластеров как инструмент повышения конкурентоспособности туристских услуг: Автoreф. дис. канд. экон. наук. Новосибирск, 2011. 24 с.
8. Ferreira J., Estevro C. Regional Competitiveness of Tourism Cluster: A Conceptual Model Proposal // MPRA Paper № 14853. Posted 25. April 2019.
9. Лысикова О.В., Лукьяненко Е.В. Саратовский туристско-рекреационный кластер: предпосылки создания и развития // Елецкий государственный университет: Официальный сайт. Режим доступа: [http://elskst.ucoz.ru/publ/rossijskie\\_konferencii/osobye\\_ekonomicheskie\\_zony\\_turistsko\\_rekreacionnogo\\_tipa/lysikova\\_o\\_v/4-1-0-77](http://elskst.ucoz.ru/publ/rossijskie_konferencii/osobye_ekonomicheskie_zony_turistsko_rekreacionnogo_tipa/lysikova_o_v/4-1-0-77)
10. Смирнова Ю. В. Кластеры как фактор инновационного развития // Актуальные вопросы экономики и управления: материалы междунар. заоч. науч. конф. (г. Москва, апрель 2011 г.). Т. I. М.: РИОР, 2011.
11. И.С. Тухлиев, А.А. Аблокулов. Рақобатбардошлигини оширишида ҳудудий туристик кластернинг ташкилий иқтисодий моделини шаклантириши усули. // Туристик кластерларни ривожлантиришининг долзарб муаммолари мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Самарқанд, 5 июнь, 2021 й., 4-9 бетлар.
12. Пардаев М.Қ, Пардаев О.М. Кластер тушунчасининг назарий масалалари ва ундан туризм соҳасида фойдаланишининг ўзига хос ҳусусиятлари. // Туристик кластерларни ривожлантиришининг долзарб муаммолари мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Самарқанд, 5 июнь, 2021 й., 9-16 бетлар.
13. Асланова Д.Х., Саттарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. // Туризмни ривожлантиришида ҳалқаро илғор тажриба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш муаммолари, мавзусида ИАК материаллари. – Самарқанд, 2011, 161-163 бетлар.
14. Public-Private Sector Cooperation: Enhancing Tourism Competitiveness / WTO Business Council. Madrid. 2018. P. 71.
15. Президент Ш. Мирзиёвнинг "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5611 сонли Фармони, 5 январь, 2019 йил, <https://lex.uz/docs/4143188>